

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“ALYANS AUTO” МЧЖ

Бош директори

О.И.Аюбов



2025 йил “08” 08

КОРПОРАТИВ СТАНДАРТ

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупсияга қарши
курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни
рағбатлантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ

Ишлаб чиқди:

Бўлим	Лавозим	Ф.И.Ш.	Имзо	Сана
Комплаенс хизмати	Мутахассис	Караджанов Н.Қ.		

Келишилди:

Бўлим	Лавозим	Ф.И.Ш.	Имзо	Сана
Молия дирекцияси	Иқтисодиёт ва молия бўйича директор	Умурзаков К.Ж.		
Ходимларни бошқариш дирекцияси	Ходимларни бошқариш бўйича директор	Дехқонов А.А.		
Харидлар ва етказиб бериш тизими дирекцияси	Харидлар ва етказиб бериш тизими бўйича директор	Асадов Ё.О.		
Маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш дирекцияси	Маркетинг, сотиш ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш директори	Рустамбеков А.Д.		
Юридик бўлим	Бўлим бошлиғи	Очилов Б.Э.		

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги ПҚ-81-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 829-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “ALYANS AUTO” МЧЖда (кейинги ўринларда - “Жамият”) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар - фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг ёхуд давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ва “ALYANS AUTO” МЧЖ ишчи-ходимлари;

коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этиш - Жамият ва унинг тизим корхоналарида тайёргарлик кўриладиган, содир этиладиган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёхуд Жамият ва унинг тизим корхоналарида коррупцияга оид жиноятларни содир этганлиги учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қидирув эълон қилинган шахсларни топишда ёрдам кўрсатиш;

коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашиш - коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашиш;

коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар - Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61¹, 193¹ ва 193² -моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар;

коррупцияга оид жиноятлар - Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми “г” банди, 168-моддасининг учинчи қисми “в” банди, 192⁹ ва 192¹⁰, 205, 209 — 214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар;

коррупцияга оид жиноятларни аниқлаш ва фош этиш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ҳамда процессуал ҳаракатларни амалга оширувчи органлар (кейинги ўринларда - коррупцияга қарши курашувчи органлар) - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

3. Қуйидагилар коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни

рағбатлантиришнинг (кейинги ўринларда - рағбатлантириш) асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

коррупцияга оид жиноятларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, бунга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

ишчи-ходимларнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни ушбу соҳага қўшаётган ҳиссаси учун муносиб тақдирлаш.

4. Рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик, холислик, ошкоралик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилади.

5. Ушбу Низом талаблари қуйидаги шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди:

мансабдор шахслар, шу жумладан, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга махфийлик асосида қўмаклашувчи шахслар;

Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида келиб тушган хабарларни кўриб чиқиш ва хизмат текширувларини ўтказишга ваколатланган ходимлар;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилган ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни бевосита содир этган шахслар.

6. Рағбатлантириш бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида белгиланади.

2-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахсларни рағбатлантириш асослари ва турлари

7. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда қўмаклашган шахслар қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарлик фош этилиши;

Жамият ходими ўзига нисбатан пора беришни таклиф этган ёки пора талаб қилган шахс ҳақида ёхуд ўзига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида Комплаенс хизматига (хизмат ходимлари эса бевосита ўз раҳбарига) берган хабари асосида ҳуқуқбузарлик фош этилиши;

Жамиятда коррупцияга оид жиноятни содир этганлиги учун қидирувда бўлган

шахс тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган хабар асосида қидирувдаги шахс ушланиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари бундан мустасно.

8. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар Жамият маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

а) коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида;

б) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида;

оғир жиноят учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

в) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлса:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун-базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида;

унча оғир бўлмаган жиноят учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида;

оғир жиноят учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида;

ўта оғир жиноят учун - базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида;

г) пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан кўп бўлса, қуйидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

анча миқдор учун - пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн беш фоизи миқдорида;

кўп ёки жуда кўп миқдор учун - пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматининг ўн фоизи миқдорида.

Бунда пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулк қийматини фоизларда ҳисоблашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорнинг энг кам миқдоридан келиб чиқилади;

д) қидирувда бўлган шахснинг яширинган жойи ҳақида хабар берганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари, икки ёки ундан ортиқ қидирувда бўлган шахсларнинг яширинган жойи ҳақида бир вақтда хабар берганлиги учун эса - базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида.

9. Коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга

бўлган далиллар ҳақида Комплаенс хизматига хабар берганлик ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашганлик учун шахс ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида рағбатлантириш тарзида тақдирланади, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ёки Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида келиб тушган хабарларни кўриб чиқиш ва хизмат текширувларни ўтказишга масъул ходимлари бундан мустасно.

Эсдалик совға қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан ошмаслиги лозим.

10. Қуйидаги ҳолатларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахс:

икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари;

ҳар хил таснифдаги икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида хабар берганлик учун ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигидан келиб чиқиб оғирроқ таснифи бўйича бир марта;

бир хил таснифдаги икки ва ундан ортиқ коррупцияга оид жиноятлар ҳақида хабар берганлик учун бир марта;

коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида ёхуд қидирувдаги шахс тўғрисида икки ёки ундан ортиқ шахснинг берган хабари учун мазкур Низомнинг 8 ва 10 бандларида кўрсатилган пул мукофоти миқдорининг тенг улушларида рағбатлантирилади.

11. Шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб хисса қўшганлиги учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат мукофотига ҳам тавсия этилиши мумкин.

12. Қуйидаги қарорлардан бири қабул қилингандан сўнг рағбатлантириш масаласи кўриб чиқилади:

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари юзасидан суднинг айблов ҳукми ёки қарори қонуний кучга кирганда;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмининг 1 - 3-бандлари, учинчи қисми ҳамда бешинчи қисмининг 1-банди асосида айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор прокурор томонидан тасдиқланганда ёки суднинг ажрими қонуний кучга кирганда;

қидирувдаги шахсга нисбатан қидирувнинг бекор қилинганлиги тўғрисида прокурорнинг, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими қабул қилинганда.

13. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар Жамият ёки унинг тизим корхоналари ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тартиби

14. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласи “ALYANS AUTO” ҳузурида тузиладиган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Махсус комиссия низоми жамият бош директори буйруғи билан тасдиқланади.

15. Махсус комиссиянинг таркиби, фаолият юритиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш махсус комиссия низомида белгиланади.

16. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги хизмат хатига рағбатлантириш учун асос бўлувчи қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

рўйхатдан ўтган ариза нусхаси ёки оғзаки берилган хабарни тасдиқловчи маълумотлар;

суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки айблов ҳукми нусхаси;

қидирувни бекор қилиш ҳақида, шунингдек, айблилиқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим ёки қарор нусхаси;

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларнинг шахсий ҳисобварағи бўлган банк реквизитлари.

17. Хизматнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисидаги хизмат хати ва унга илова қилинган асословчи ҳужжатлар рағбатлантириш учун асос юзага келган кундан бошлаб уч иш куни ичида махсус комиссияга тақдим этилади.

18. Махсус комиссия томонидан рағбатлантиришга оид ҳужжатлар олинган кундан бошлаб беш иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, асослилиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинганлиги кўриб чиқилади.

19. Рағбатлантириш учун тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ эмаслиги ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланган тақдирда, икки иш куни ичида қайтарилади.

Қайтарилиш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, тегишли ҳужжатлар ушбу Низом талаблари асосида рағбатлантириш учун қайта тақдим этилиши мумкин.

20. Рағбатлантириш бўйича махсус комиссия томонидан чиқарилган қарор уч иш куни ичида хизмат хати Жамиятнинг тегишли бўлимига ижро учун юборилади.

21. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши

курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларнинг таъқиб қилинмаслиги “Алоқа каналлари орқали қондабузарликлар тўғрисида “ALYANS AUTO” МЧЖга келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти”да белгиланган кафолатлар асосида амалга оширилади.

22. Махсус комиссиянинг аъзолари комиссия қарори қонунийлиги, холислиги ҳамда шахсларнинг шахсига оид маълумотлар ошкор этилмаслиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

23. Жамият махсус комиссиянинг қарори асосида бир иш куни ичида бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совғаси билан тақдирлаш ҳақида қарор чиқаради.

Бир марталик пул мукофоти харажатлар сметасига ўзгартириш киритилгандан сўнг ўн иш куни ичида шахсларнинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб берилади, эсдалик совғаси эса қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ совға қилинадиган буюм харид қилингандан сўнг беш иш куни ичида топширилади.

24. Ташаккурнома шаклида рағбатлантириш масаласи бевосита жамият бош директори томонидан кўриб чиқилади.

4-боб. Якуний қондалар

25. Рағбатлантирилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларнинг ҳисоби махсус комиссияга тақдим этилган маълумотлар асосида Комплаенс хизмати томонидан юритилади.

26. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар ҳақидаги маълумотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида ошкор этилиши мумкин.

27. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларини ҳимоя қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

28. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Ушбу Низом талаблари бузилганлигида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.